

ЁШ САЙЛОВЧИ ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА



Барчамизга маълумки бу йил мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир бўлиб ўтади. Президент сайловига биринчи марта иштирок этадиган ёш сайловчилар ўз туманлари ҳокимлари билан ана шу тадбир бўйича тадбирлар яқиндан танишиш мақсадида “Ҳоким ва ёшлар учрашуви” да бирлашишди!

Сайловда иштирок этиш имконият ва масъулиятдир. Бу жараёнда илк мартаба иштирок этаётган ёшлар доимий равишда сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириб боришлари, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳалардаги кенг қамровли ислохотларнинг самараси ва таъсирчанлигининг ошишига хизмат қилади.